

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019. Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

НАРКУЛОВ АКРАМ СИДИКОВИЧ

МАГНИТ МАЙДОНИДА ТОК ЎТКАЗУВЧИ ЮПҚА
ПЛАСТИНКАНИНГ МАГНИТОЭЛАСТИК ДЕФОРМАЦИЯЛАНИШ
ЖАРАЁНИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Наркулов Акрам Сидикович

Магнит майдонида ток ўтказувчи юпқа пластинканинг магнитоэластик деформацияланиш жараёнини математик моделлаштириш. 3

Наркулов Акрам Сидикович

Математическое моделирование процесса магнитоупругого деформирование токопроводящей тонкой пластинки в магнитном поле..... 21

Narkulov Akram Sidikovich

Mathematical modeling of the process of magnetoelastic deformation of a conductive thin plate in a magnetic field39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019. Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

НАРКУЛОВ АКРАМ СИДИКОВИЧ

МАГНИТ МАЙДОНИДА ТОК ЎТКАЗУВЧИ ЮПҚА
ПЛАСТИНКАНИНГ МАГНИТОЭЛАСТИК ДЕФОРМАЦИЯЛАНИШ
ЖАРАЁНИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1575 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот - коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Индиаминов Равшан Шукурович
физика-математика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Полатов Асхад Мухамеджонович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Исомиддинов Анваржон Иномжонович
техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:


Самарқанд давлат университети


Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» декабр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz Тошкент ахборот технологиялари университети).


Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (234 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» декабр куни тарқатилди.
(2021 йил «09» декабр даги 42 рақамли реестр баённомаси)




Р.Х. Ҳамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори, профессор


Ф.М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлар доктори, доцент


Ш.А. Садуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
физика-математика фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда магнитоэластиклик муаммоларини ҳал қилиш зарурати ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги замонавий техник жараёнлар талаблари ва инновацион технологияларини яратиш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Боғлиқли майдонлар механикасида туташ муҳит ҳаракатини электромагнит эффектларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш муҳим ўринни эгаллайди. Замонавий янги техн технологияларнинг ривожланиши бу эффектларни ҳисобга олиш зарур келтириб чиқаради. Жаҳон миқёсида замонавий техникада оптимал конструкцияларни яратиш чизиқли бўлмаган қонуният билан ўзгараётган таъсирни ҳисобга олган ҳолда юпқа пластинка шаклидаги конструктив элементларнинг кенг равишда ишлаб чиқаришда қўлланилиши долзарб ҳисобланади. Магнитоэластиклик ҳозирги даврга келиб жуда муҳим амалий самара бермоқда ва замонавий техниканинг турли соҳаларига татбиқ қилинмоқда. Электроника кристал элементлари, механика, информатика ва ўлчагич тизимларининг интеграллашуви, бу технологияларнинг бирлашишига ва микротизимли техниканинг яратилишига, ҳамда микроэлектромагнитомеханик тизимларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шу сабабли, дунёнинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Россия Федерацияси, Хитой, Германия, Франция, Япония, Саудия Арабистони, Украина, Эрон ва бошқа мамлакатларда ўтказувчанлик хоссаларининг анизотропиясини ҳисобга олган ҳолда ток ўтказувчи юпқа пластинка ва қобиклар шаклидаги конструктив микроэлементларнинг электромагнит майдони билан магнитоэластик ўзаро таъсири муаммолари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Магнит майдони билан эластик муҳитнинг ўзаро таъсир механизмлари, қаралаётган жисмнинг геометрик хусусиятлари ҳамда физикавий хоссаларига боғлиқ ҳолдаги масалалар юзасидан бир қанча назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, бу таъсир механизмини тадқиқ этиш муаммоли масалалардан бири сифатида анизотроп электр ўтказувчанлик юпқа пластинкаларга нисбатан қаралганда бир қанча махсус хусусиятларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасида конструктив элементларни ҳисоблашлар, замонавий ўлчагич тизимларини яратиш, шунингдек микроэлектроника, микронаноэлектроника ҳамда электротехниканинг турли соҳаларида учрайдиган электромагнит майдони таъсири остида ишлайдиган юпқа пластинка шаклидаги конструктив элементлар тебранишлари, мустаҳкамлиги кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини тадқиқ қилиш бўйича кенг қўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига инфорацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш

ҳамда модернизация қилиш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда лойиҳалаш жараёнига замонавий ахборот технологиялари асосида магнит майдонида ток ўтказувчи юпқа пластинка магнитоэластиклиги чизиксиз масалаларида ўтказувчанлик хоссаларининг ортотропиясини ҳисобга олган ҳолда кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини ифодаловчи умумлашган математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва автоматлаштирилган тизимлар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 12 февралдаги Ф-5209-сон «Ўзбекистон Республикасида космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши, 2021 йил 10 февралдаги ПҚ-4986 «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва ушбу соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда эластик жисмнинг электромагнит майдони билан ўзаро таъсирлари, юпқа электр ўтказувчан жисмларнинг электромагнит майдони таъсирида деформацияланиш жараёнларининг математик моделлари, пластинка ва қобик шаклидаги конструктив элементларининг магнитоэластиклигини тадқиқ қилиш масалалари бўйича бир қатор олимлар: Y.H.Bian, O.I.Zhupanska, I.I.Loos, T.Zhao, G.E. Bagdasaryan, C.A.Калоеров, Д.И.Бардзокас, С.А.Амбарцумян, М.В.Белубекян, Б.А.Кудрявцев, В.Д.Будак, Л.В.Мольченко, Я.М.Григоренко ва А.А.Ванцян каби бошқа хорижий олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Республикада эластик жисмларнинг магнитоэластиклик деформацияланиш жараёнларини математик моделлаштириш, чизикли ва чизикли бўлмаган тенгламаларини ечиш усуллари борасида Т.Ш. Ширинқулов, Ш.А. Назиров, Ф.М.Нуралиев, Р.Ш.Индиаминов каби мамлакатимиз олимлари илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Эластик жисмнинг электромагнит майдони билан ўзаро таъсири бўйича бажарилган ишларнинг тахлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда анизотроп электр ўтказувчанлик, магнит ва диэлектрик сингдирувчанликларни ҳисобга олган ҳолда магнитоэластик ўзаро таъсири чизикли бўлмаган масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ва Самарқанд филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режасига кирган Ф4-ФК-0-11951-Ф4-024 «Анизотроп электр ўтказувчанликни ҳисобга олган ҳолда ток ташувчи анизотроп қобиклар электромагнитоэластиклиги боғлиқли чизиклимас масалаларини ечиш методикаси, алгоритми ва дастурий таъминотини яратиш» (2012-2016) ва БВ-Ф4-014 «Электромагнит мослашувликни ҳисобга олган ҳолда электрон қурилмалар, микро- ва нанотизимлар юпқа элементлари магнит майдонида магнитоэластик тебранишлари масалаларини ечишнинг амалий усуллари ва магнитоэластикликнинг математик асосларини ривожлантириш» (2017-2020) фундаментал А-5-030 «Анизотроп жисмлар магнитотермоэластиклиги боғлиқли масалалари математик ва дастурий таъминоти» (2015-2017) амалий грантлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ток ўтказувчи юпқа пластинканинг ўзгарувчан электродинамик кучлар таъсиридаги магнитоэластик чизикли бўлмаган деформацияланишини математик моделлаштириш, сонли алгоритмлар ва дастурий мажмуини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

электродинамик кучлар таъсиридаги анизотроп юпқа ток ўтказувчи пластинканинг деформацияланиши жараёнини математик моделлаштириш;

ток ўтказувчи ортотроп юпқа ҳалқавий пластинканинг ўзгарувчан электродинамик кучлар таъсиридаги магнитоэластик нозичикли деформацияланиши моделини ишлаб чиқиш;

ўзгарувчан электродинамик ва механик кучлар таъсиридаги ортотроп юпқа ҳалқавий пластинканинг магнитоэластиклиги боғлиқли масалаларини ечиш учун самарали сонли усулларни қўллаш;

ток ўтказувчи юпқа пластинканинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ қилиш имконини берадиган магнитоэластикликнинг боғлиқли масалаларини сонли ечиш учун ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуини ишлаб чиқиш;

ташқи бегона токнинг йўналиши ва зичлиги миқдорини танлаган ҳолда, шунингдек магнит индукциясини ўзгартириб, электромагнит майдони таъсиридаги юпқа пластинка эгилишини минималлаштиришга эришиш мумкинлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида ўзгарувчан электромагнит майдонида ток ўтказувчи юпқа пластинканинг магнитоэластик деформацияланиш жараёни олинган.

Тадқиқот предмети ўзгарувчан электромагнит майдони таъсири остида ишлайдиган юпқа пластинка шаклидаги конструктив микроэлементлар магнитоэластиклик деформацияланиш жараёнларини математик моделлари,

ҳисоблаш алгоритмлари, дастурий воситалари, кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатлари ва электромагнит эффектлар таҳлиллари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси усуллари, ҳамда Ньюмарк, чизиклилаштириш ва турғун бўлган дискрет ортогоналлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўтказувчанлик хоссаларининг анизотропиясини ҳисобга олган ҳолда электродинамик кучлар таъсирида бўлган ток ўтказувчи пластинка шаклидаги конструктив элементнинг магнитоэластик деформацияланиш жараёнини тадқиқ этиш учун математик модель ишлаб чиқилган;

электромагнит ва механик кучлар таъсирларида бўлган юпқа ҳалқавий пластинка шаклидаги конструктив микроэлементнинг магнитоэластик деформацияланиши жараёни ўтказувчанлик хоссаларининг ортотропиясини ҳисобга олган ҳолда математик модели ишлаб чиқилган;

ток ўтказувчи пластинка кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини геометрик чизиклимасликни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш имконини берадиган магнитоэластикликнинг икки ўлчамли математик модели ва боғлиқли масалаларни сонли ҳисоблаш алгоритмлари ҳамда дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган;

электродинамик кучлар таъсирида бўлган ток ўтказувчи пластинка магнитоэластик деформацияланиши жараёнини тадқиқ қилишда геометрик, механик ва электромагнит параметрларини ўзгартирган ҳолда кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатлари таҳлили асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эластик жисмнинг электромагнит майдон билан ўзаро таъсирининг янги эффектлари олинган, бу эффектлар янги техниканинг турли соҳаларидаги кўпгина амалий масалаларни ечишда қўлланилиши мумкин;

ҳосил қилинган тенгламаларга асосланиб, ишлаб чиқилган услубиятдан фойдаланган ҳолда ҳам материалнинг анизотропиясини ҳам пластинка ички электромагнит майдонининг анизотропиясини ҳисобга олиш имконияти яратилди, бу эса ўтказилган ишнинг амалий қиймати ҳисобланади;

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги юпқа ток ўтказувчи жисмлар магнитоэластиклиги чегаравий масалаларининг қўйилиши, келтириб чиқарилган математик ифодаларнинг қатъийлиги билан, синовдан ўтган сонли усулларида фойдаланилганлиги, ечимларнинг аниқлиги баҳоланганлиги, ҳамда мавжуд масалаларнинг ечимлари билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўтказувчанлик хоссаларининг анизотропиясини ҳисобга олган ҳолда, электродинамик кучлар таъсирида бўлган юпқа ток ўтказувчи микропластинка магнитоэластиклиги боғлиқли масалаларини сонли ечиш услубиятини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамиятини ўзгарувчан электродинамик кучлар таъсирида бўлган, ортотроп электр ўтказувчанликка эга ток ўтказувчи

микропластинканинг геометрик, механик ва электромагнит параметрларини кенг диапазонда ўзгартириш ёрдамида, шунингдек, турли юкланишлар ва маҳкамланиш турларида кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатлари таҳлили, ҳисоблашлар учун ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурий мажмуа ташкил этади. Электр ўтказувчанликнинг ортотропиясини ҳисобга олган ҳолда, магнит индукциясини ўзгартириб, ташқи бегона токнинг йўналиши ва зичлиги миқдорини танлаган ҳолда электромагнит майдони таъсирида бўлган юпка пластинка эгилишини минималлаштиришга эришиш мумкинлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электромагнит кучлар таъсиридаги анизотроп ток ўтказувчи пластинка шаклидаги микроэлементларнинг магнитоэластик деформацияланиши жараёнини тадқиқ этиш учун ишлаб чиқилган математик моделлар, сонли алгоритмлар ва дастурий воситалар:

электромагнит мослашувликни ҳисобга олган ҳолда, ток ташувчи жисмларга ўзгарувчан электромагнит майдонининг таъсирини аниқлаш мақсадида Самарқанд вилояти «Электромагнит мослашув хизмати» таъсирруфида бўлган ўлчов қурилмаларида ишлатиладиган ток ўтказувчи юпка конструктив микроэлементларига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 07.05.2021йил №33-8/3342-сон маълумотномаси). Натижада ўзгарувчан электромагнит майдони таъсирида бўлган юпка ток ўтказувчи пластинка шаклидаги микроэлементнинг электромагнитомеханик параметрлари учун ишлаб чиқилган тавсиялар асосида пластинканинг мустаҳкамлиги 8-11% га орттирилишига эришилган, яратилган математик ва дастурий таъминот муҳандислик ҳисобларини ўтказишга кетадиган вақт ва меҳнат сарфини 6-10% га қисқартириш имконини берган;

ток ўтказувчи юпка пластинка шаклидаги конструктив микроэлементларнинг электромагнит майдони билан мураккаб ўзаро таъсир жараёнларини аниқлаш ва уларда пайдо бўладиган электромагнит эффектларини таҳлил қилиш мақсадида «AlNet» Шуба Корхонаси соҳа иш жараёнларида ишлатиладиган станцион ва ташқи роутер, коммутаторларнинг иккиламчи электр таъминот қурилмаларида ишлатиладиган диод ва транзисторлари таркибидаги конструктив микроэлементларига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 07.05.2021йил №33-8/3342-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган тавсиялар асосида қурилмаларда ишлатиладиган микропластинкаларнинг ҳажмини қисқартиришга ҳамда мустаҳкамлигининг 9-12 % га оширилишига, юпка микропластинка эгилишини минималлаштиришга эришиш мумкинлигини баҳолашдаги иш унумдорлигини 8-10 % га оширишга имкон берган;

ток ўтказувчи пластинка шаклидаги микроэлементларнинг электромагнит кучлар таъсиридаги магнитоэластик деформацияланиш жараёнларини аниқлаш мақсадида «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК Самарқанд филиали Кўшработ туман телекоммуникация боғламасига қарашли электрон автоматик станцияларининг электрон бошқарув машиналарида ишлатиладиган ток ўтказувчи

юпқа конструктив микроэлементларига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 07.05.2021 йил №33-8/3342-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган тавсиялар асосида электромагнит майдони таъсиридаги юпқа ток ўтказувчи пластинка шаклидаги микроэлементнинг мустаҳкамлигини 10-15 % орттирилиши, юпқа пластинка эгилишини минималлаштиришга эришиш мақсадида яратилган математик ва дастурий таъминот муҳандислик ҳисобларини ўтказишга кетадиган вақт ва меҳнат сарфини 5-9 % га қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 2 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр қилинган, ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос равишда долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш ҳолатлари, шунингдек, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Магнитоэластиклик масалаларини тадқиқ қилиш усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш бўйича адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида электромагнит майдонининг деформацияланувчи муҳит билан ўзаро таъсири муаммоларига бағишланган илмий манбаларнинг батафсил таҳлили, шунингдек, пластинка ва қобиклар боғлиқлиги магнитоэластиклиги масалаларини тадқиқ қилиш, математик моделларини ишлаб чиқиш, ҳамда кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш алгоритмлари бўйича тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Эластик жисмнинг электромагнит майдони билан ўзаро таъсири бўйича бажарилган ишларнинг кўпчилиги ўтказувчанлик хоссаларининг анизотропиясини ҳисобга олмаган ҳолда қаралган. Агар ток ўтказувчи эластик жисмнинг материали анизотроп электр ўтказувчанлик, магнит ва диэлектрик синг-

дирувчанлик хоссаларига эга бўлса, у ҳолда майдонларнинг ўзаро таъсири сезиларли равишда мураккаблашади. Ўтказувчанлик хоссаларининг анизотропиясини ҳисобга олган ҳолда ток ўтказувчи жисмлар магнитоэластиклиги боғлиқли чизиқлимас масалалари ечилмаган эканлиги келтирилган шарҳдан келиб чиқади. Бунга бошланғич боғлиқли магнитоэластик хусусий ҳосилалари дифференциал тенгламалар системасининг мураккаблиги, бундай масалаларни ечиш усуллари ва алгоритмлари мавжуд эмаслиги сабабдир, бу эса диссертация иши мақсади ва масалаларини аниқлаш имконини берди.

Диссертациянинг «Ток ўтказувчи жисмнинг деформацияланиш жараёнини тадқиқ қилиш учун магнитоэластиклик моделини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи боби ток ўтказувчи жисм чизиқлимас магнитоэластиклигининг масала уч ўлчамли қўйилганда бошланғич физик ва математик ҳолатлар, муносабатларни шакллантиришга, ўтказувчанлик хоссаларининг анизотропиясини ҳисобга олган ҳолда ток ўтказувчи эластик жисм магнитоэластиклиги моделини ишлаб чиқишга бағишланган.

Мазкур ишда ўтказувчанлик хоссаларининг анизотропиясини ҳисобга олган ҳолда электромагнит майдони таъсирида бўлган ток ўтказувчи эластик жисм магнитоэластиклиги қуйидагича математик модели таклиф этилди:

$$\operatorname{rot} \vec{E} = -\frac{\partial \vec{B}}{\partial t}; \operatorname{rot} \vec{H} = \vec{J} + \vec{J}_{cm}; \operatorname{div} \vec{B} = 0, \operatorname{div} \vec{D} = 0; \quad (1)$$

$$\rho \frac{\partial \vec{v}}{\partial t} = \rho (\vec{f} + \vec{f}^{\wedge}) + \operatorname{div} \hat{\sigma} \quad (2)$$

$$\vec{B} = \mu_{ij} \vec{H}; \quad \vec{D} = \varepsilon_{ij} \vec{E}; \quad (3)$$

$$\vec{J} = \sigma_{ij} (\vec{E} + \vec{V} \times \vec{B}); \quad (4)$$

$$\rho \vec{f}^{\wedge} = \sigma_{ij} (\vec{E} + \vec{V} \times \vec{B}) \times \vec{B}. \quad (5)$$

мос равишда бошланғич ва чегаравий шартлар:

$$v_k (t_{ki} + \tau_{ki}) \Big|_{S_1} = [P_i + v_k \tau_{ki}^{(c)}] \Big|_{S_1}. \quad (6)$$

$$\vec{u} = 0, \quad \dot{\vec{u}} = 0, \quad \vec{B} = 0, \quad \vec{B}^{(c)} = 0, \quad \vec{H} = 0, \quad \vec{H}^{(c)} = 0 \quad (7)$$

Бу ерда \vec{E} - электр майдони кучланганлиги вектори; \vec{H} - магнит майдони кучланганлиги вектори; \vec{D} - электр индукцияси вектори; \vec{B} - магнит индукцияси вектори; \vec{J}_{cm} - бегона электр токи зичлиги; \vec{f} - ҳажмий куч; \vec{f}^{\wedge} - ҳажмий Лоренц кучи; \vec{J} - электр токи зичлиги; $\hat{\sigma}$ - ички кучланиш тензори; $\sigma_{ij}, \varepsilon_{ij}, \mu_{ij}$ - мос ҳолда чизиқли анизотроп токўтказувчи жисмнинг электр ўтказувчанлик, диэлектрик ва магнит сингдирувчанлик тензорлари ($i, j=1,2,3$); t_{ki} - кучланиш тензори; $\tau_{ki}, \tau_{ki}^{(c)}$ - жисм ва вакуумдаги Максвелл тензорлари; P_i - сирт кучлари ташкил этувчилари; v_k - бирлик нормал вектор компоненталари; S_1 - кучланишлар берилган жисм чегараси қисми; \vec{u} - қўчиш вектори, (c) - индекс миқдорларнинг ташқи муҳитга тегишли эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, (1), (2) муносабатлар ва (3)–(5), ҳамда (6), (7) билан биргаликда, ўтказувчанлик хоссаларининг анизотропиясини ҳисобга олган ҳолда ток ўтказувчи эластик жисм магнитоэластиклиги моделини ташкил этади.

Диссертациянинг «Юпқа пластинканинг магнитоэластиклик деформацияланиши модели, алгоритми ва сонли ечиш усуллари» деб номланган учинчи боби ўтказувчанлик хоссаларининг ортотропиясини ҳисобга олган ҳолда, ўзгарувчан электродинамик ва механик кучлар таъсирларида бўлган ток ўтказувчи юпқа ортотроп пластинка кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ қилиш имконини берадиган магнитоэластикликнинг икки ўлчамли математик моделини ишлаб чиқишга ва пластинка чизиқли бўлмаган магнитоэластиклиги чегаравий масаласини ечишда самарали сонли усуллارни қўллашга, боғлиқли масалаларни сонли ечиш учун ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Ўтказувчанлик хоссаларининг ортотропиясини ҳисобга олган ҳолда юпқа ортотроп халқавий пластинканинг ўққа нисбатан симметрик магнитоэластик деформацияланиши масаласини қаралган.

Эластик пластинка материали чекли электр ўтказувчан бўлиб, ташқи магнит майдонида жойлашган. Бунда, пластинка текис тақсимланган ташқи бегона электр токини ўтказувчи ток ўтказгич ва электромагнит майдонининг деформация майдонига таъсири Лоренц кучи орқали содир этилади, деб ҳисобланган. Магнит майдонида ортотроп доиравий пластинканинг деформациясини тадқиқ қилишда, r, θ, z цилиндрик координаталар системасидан фойдаланилган. Бунда пластинканинг ўрта сирти қутб координаталар системаси билан боғланган ва пластинанинг маркази координаталар бошида бўлсин, деб олинган. Пластинкага қўйилган электромагнит ва механик юкланишлар ўққа нисбатан симметрикликни сақлаган ҳолда деформацияни вужудга келтиради. Пластинка магнитоэластиклиги масаласи тенгламаларида иштирок этувчи деформация ва электромагнит майдонларнинг ҳамма изланаётган компоненталари θ координатадан боғлиқ эмас, деб ҳисоблаб, қуйидаги боғланишларни қабул қиламиз:

$$\frac{\partial}{\partial \theta} = 0, \quad v = 0, \quad E_r = 0, \quad B_\theta = 0, \quad S = 0, \quad H_\theta = 0, \quad f_\theta = 0, \quad f_\theta^{\wedge} = 0, \quad h = h(r); \quad (8)$$

бу ерда S – силжитувчи зўриқиш, v – доира бўйлаб кўчиш.

Кристаллографик тизимлар, кристал текисликлар ёки ёқлар ташкил этган учта бурчак ва қирралар узунликлари муносабатларидан аниқланувчи бирлик ячейканинг шаклидан бир биридан фарқланади. Ҳар хил тизимлар ва синфлардаги кристалларнинг электрик ва магнит хоссалари бир биридан фарқ қилади.

Кристаллофизикадан келиб чиққан ҳолда, кристал тузилиши ромбик бўлган қаралган ўтказувчи муҳитлар синфи учун $\sigma_{ij}, \mu_{ij}, \varepsilon_{ij}$ тензорлар диагональ кўринишни қабул қилади деб ҳисоблаб, ўзгарувчан электродинамик ва механик кучлар таъсирларида бўлган ток ўтказувчи ортотроп халқавий

пластинканинг магнитоэластиклиги чизиқли бўлмаган модели ишлаб чиқилди:

магнитоэластиклик тенгламалари

$$\begin{aligned}
 \frac{\partial(rN_r)}{\partial r} - N_\theta + r(f_r + \rho f_r^\wedge) &= r\rho h \frac{\partial^2 u}{\partial t^2}, \\
 \frac{\partial(rQ_r)}{\partial r} + r(f_z + \rho f_z^\wedge) &= r\rho h \frac{\partial^2 w}{\partial t^2}, \\
 \frac{\partial(rM_r)}{\partial r} - M_\theta - rQ_r - rN_r \mathcal{G}_r &= 0, \\
 -\frac{\partial B_\gamma}{\partial t} &= \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r}(rE_\theta), \\
 \sigma_2 \left[E_\theta + 0,5 \frac{\partial w}{\partial t} (B_r^+ + B_r^-) - \frac{\partial u}{\partial t} B_z \right] &= -\frac{\partial H_z}{\partial t} + \frac{H_r^+ - H_r^-}{h};
 \end{aligned} \tag{9}$$

кўчишлар ва деформациялар ўртасидаги муносабатлар

$$\varepsilon_r = \frac{\partial u}{\partial r} + \frac{1}{2} \mathcal{G}_r^2, \quad \varepsilon_\theta = \frac{u}{r}, \quad \chi_r = \frac{\partial \mathcal{G}_r}{\partial r}, \quad \chi_\theta = \frac{1}{r} \mathcal{G}_r; \tag{10}$$

эластиклик муносабатлари

$$\begin{aligned}
 N_r &= \frac{e_r h}{1 - \nu_r \nu_\theta} (\varepsilon_r + \nu_\theta \varepsilon_\theta), & N_\theta &= \frac{e_\theta h}{1 - \nu_r \nu_\theta} (\varepsilon_\theta + \nu_r \varepsilon_r), \\
 M_r &= \frac{e_r h^3}{12(1 - \nu_r \nu_\theta)} (\chi_r + \nu_\theta \chi_\theta), & M_\theta &= \frac{e_\theta h^3}{12(1 - \nu_r \nu_\theta)} (\chi_\theta + \nu_r \chi_r);
 \end{aligned} \tag{11}$$

Лоренц кучи ташкил этувчилари

$$\begin{aligned}
 \rho f_r^\wedge &= \sigma_1 h \left[E_\theta B_z - \frac{\partial u}{\partial t} B_z^2 + 0,5 \frac{\partial w}{\partial t} (B_r^+ + B_r^-) B_z \right], \\
 \rho f_z^\wedge &= -\sigma_2 h \left[0,5 E_\theta (B_r^+ + B_r^-) - \right. \\
 &\quad \left. - 0,25 \frac{\partial w}{\partial t} (B_r^+ + B_r^-)^2 + \frac{1}{12} \frac{\partial w}{\partial t} (B_r^+ + B_r^-)^2 - 0,5 \frac{\partial u}{\partial t} (B_r^+ + B_r^-)^2 B_z \right].
 \end{aligned} \tag{12}$$

Бу ерда $\nu_r = \nu_{\theta r}$, $\nu_\theta = \nu_{r\theta}$, $e_r \nu_\theta = e_\theta \nu_r$; ν_r, ν_θ – Пуассон коэффициентлари; e_r, e_θ – Юнг модуллари; u, w – кўчиш вектори компоненталари; N_r, N_θ – тангенциал зўриқишлар; M_r, M_θ – эгувчи моментлар; Q_r – кесувчи зўриқиш; $\varepsilon_r, \varepsilon_\theta$ – чўзилиш ва силжиш тангенциал деформациялари; χ_r, χ_θ – пластинка ўрта сирти бош эгриликлари; B_r^\pm – пластинка сиртларидаги магнит индукцияси тангенциал ташкил этувчи компоненталари; $h = h(r)$ – пластинка қалинлиги; $\rho f_r^\wedge, \rho f_\theta^\wedge$ – координата ўқларига пондеромотор кучларнинг проекциялари.

Тенгламалар тўлиқ системаси (9)-(12) дан фойдаланиб, ток ўтказувчи халқавий пластинканинг магнитоэластиклигининг чизиқли бўлмаган моделини математик ёзиш имкониятини берадиган, ўзгарувчан механик ва электромагнит кучлар таъсири остида жойлашган, ўтказувчанлик хоссаларининг ортотропиясини ҳисобга олган ҳолда, ток ўтказувчи юпқа халқавий

пластинканинг магнитоэластиклик чизиқсиз дифференциал тенгламалари ҳал қилувчи боғлиқли системаси келтириб чиқарилди:

$$\begin{aligned}
\frac{\partial u}{\partial r} &= \frac{1-\nu_r\nu_\theta}{e_r h} N_r - \frac{\nu_\theta}{r} u - 0,5 \mathcal{G}_r^2, \quad \frac{\partial w}{\partial r} = -\mathcal{G}_r, \quad \frac{\partial \mathcal{G}_r}{\partial r} = \frac{12(1-\nu_r\nu_\theta)}{e_r h^3} M_r - \frac{\nu_\theta}{r} \mathcal{G}_r, \\
\frac{\partial N_r}{\partial r} &= \frac{1}{r} (\nu_\theta - 1) N_r + \frac{e_\theta h}{r^2} u - \\
&- \left(F_r + \sigma_1 h \left[E_\theta B_z - \frac{\partial u}{\partial t} B_z^2 + 0,5 \frac{\partial w}{\partial t} (B_r^+ + B_r^-) B_z \right] \right) + \rho h \frac{\partial^2 u}{\partial t^2}, \\
\frac{\partial Q_r}{\partial r} &= -\frac{1}{r} Q_r - \left(F_z - \sigma_2 h \left[0,5 E_\theta (B_r^+ + B_r^-) - 0,25 \frac{\partial w}{\partial t} (B_r^+ + B_r^-)^2 + \right. \right. \\
&+ \left. \left. \frac{1}{12} \frac{\partial w}{\partial t} (B_r^+ - B_r^-)^2 - 0,5 \frac{\partial u}{\partial t} (B_r^+ + B_r^-)^2 B_z \right] \right) + \rho h \frac{\partial^2 w}{\partial t^2}, \\
\frac{\partial M_r}{\partial r} &= \frac{1}{r} (\nu_\theta - 1) M_r + \frac{e_\theta h^3}{12 r^2} \mathcal{G}_r + Q_r + N_r \mathcal{G}_r, \\
\frac{\partial B_z}{\partial r} &= -\sigma_2 \mu \left[E_\theta + 0,5 \frac{\partial w}{\partial t} (B_r^+ + B_r^-) - \frac{\partial u}{\partial t} B_z \right] + \frac{B_r^+ - B_r^-}{h}, \\
\frac{\partial E_\theta}{\partial r} &= -\frac{\partial B_z}{\partial t} - \frac{1}{r} E_\theta.
\end{aligned} \tag{13}$$

Ўтказувчанлик хоссаларининг ортотропиясини ҳисобга олган ҳолда, ток ўтказувчи халқавий пластинканинг магнитоэластиклиги модели квадратик яқинлашишда қурилган. Ҳосил қилинган ҳал қилувчи (13) тенгламалар системаси ўзгарувчан коэффициентли саккизта биринчи тартибли хусусий ҳосиллали боғлиқли чизиқлимас дифференциал тенгламалардан иборат. Лоренц кучи тузувчилари пластинканинг деформацияланиши тезлиги, ташқи магнит майдони, ташқи магнит майдонига нисбатан ўтказиш токи кучланганлиги ва миқдорларини ҳисобга олади. Ҳаракат тенгламаларида чизиқлимасликни ҳисобга олиш Лоренц кучида чизиқлимасликни пайдо қилади.

Ҳосил қилинган системага бошланғич ва чегаравий шартларни қўшиб, чегаравий масалани ҳосил қиламиз.

Чизиқлимас чегаравий масалани вектор шаклда қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial \vec{N}}{\partial r} = \vec{F} \left(r, t, \vec{N}, \frac{\partial \vec{N}}{\partial t}, \frac{\partial^2 \vec{N}}{\partial t^2} \right), \quad (r_0 \leq r \leq r_N, t_0 \leq t \leq t_N), \tag{14}$$

чегаравий шартлар

$$\vec{g}_1(\vec{N}(r_0, t)) = \vec{b}_1^*, \quad \vec{g}_2(\vec{N}(r_N, t)) = \vec{b}_2^* \tag{15}$$

ва бошланғич шартлар ($t = 0$ да)

$$\vec{N} = 0, \quad \partial \vec{N} / \partial t = 0, \tag{16}$$

бу ерда $\vec{N} = \{u, w, \theta, N_r, Q_r, M_r, E_\theta, B_z\}^T$ – изланаётган функциялар устун вектори; $\vec{F}, \vec{g}_1, \vec{g}_2, \vec{b}_1^*, \vec{b}_2^*$ – умумий ҳолда чизиқли бўлмаган вектор-функциялар.

Пластинка магнитоэластиклиги чизиқлимас масалаларини сонли ечиш учун таклиф этилаётган ёндошув чекли айирмали Ньюмарк схемаси, чизиқ-

лилаштириш ва дискрет ортогоналлаштириш усуллари кетма-кет қўлланилишига асосланган.

Ўзгарувчан электродинамик ва механик кучлар таъсирларида бўлган ток ўтказувчи ортотроп пластинка кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини аниқлаш масалаларида (14), (15) чегаравий масала фиксирланган вақт моментлари учун ечилади. Вақт координатаси бўйича хусусий ҳосилалар Ньюмаркнинг ошқормас схемаси чекли айирмали ифодалари билан аппроксимацияланади ва бу схема қўлланилгандан кейин чизиқлимас оддий дифференциал тенгламалар системаси учун чегаравий масалани қуйидаги кўринишда ҳосил қиламиз:

$$\frac{d\vec{N}}{dr} = \vec{F}(r, \vec{N}) \quad (17)$$

ва мос чегаравий шартлар

$$D_1\vec{N}(r_0) = \vec{d}_1, \quad D_2\vec{N}(r_1) = \vec{d}_2 \quad (18)$$

Чизиқлилаштириш усули ёрдамида бошланғич (17), (18) чегаравий масала чизиқли чегаравий масалалар кетма-кетлигига келтирилади ва уни қисқача қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\frac{d\vec{N}^{k+1}}{dr} = \vec{G}(\vec{N}^{k+1}, \vec{N}^k), \quad (19)$$

$$B_1(\vec{N}^k)\vec{N}^{k+1}(r_0) = \vec{b}_1(\vec{N}^k), \quad B_2(\vec{N}^k)\vec{N}^{k+1}(r_N) = \vec{b}_2(\vec{N}^k), \quad (k=0,1,2,\dots). \quad (20)$$

бу ерда $\vec{N} = \{u, w, \theta_r, N_r, Q_r, M_r, E_\theta, B_z\}^T$; \vec{N}^{k+1} ва \vec{N}^k – мос ҳолда $k+1$ -чи ва k -чи итерациялардаги ечимлар; $\vec{G}(\vec{N}^{k+1}, \vec{N}^k)$ – тенгламалар системаси ўнг томони вектори; $\vec{B}_1(\vec{N}^k), \vec{B}_2(\vec{N}^k), \vec{b}_1(\vec{N}^k), \vec{b}_2(\vec{N}^k)$ – мос ҳолда чегаравий шартлар ўнг қисми матрицалари.

Чизиқлилаштириш усулини қўллаганилдан кейин (19) ҳал қилувчи система ёйилган ҳолда қуйидагича ёзилади:

$$\begin{aligned} \frac{du^{(k+1)}}{dr} &= \frac{1 - \nu_r \nu_\theta}{e_r h} N_r^{(k+1)} - \frac{\nu_\theta}{r} u_r^{(k+1)} + 0,5(\mathcal{G}_r^{(k)})^2 - \mathcal{G}_r^{(k+1)} \mathcal{G}_r^{(k)}, \\ \frac{dw^{(k+1)}}{dr} &= -\mathcal{G}_r^{(k+1)}, \quad \frac{d\mathcal{G}_r^{(k+1)}}{dr} = \frac{12(1 - \nu_r \nu_\theta)}{e_r h^3} M_r^{(k+1)} - \frac{\nu_\theta}{r} \mathcal{G}_r^{(k+1)}, \\ \frac{dN_r^{(k+1)}}{dr} &= \frac{1}{r} \left[(\nu_\theta - 1) N_r^{(k+1)} + \frac{e_\theta h}{r} u^{(k+1)} \right] - P_r^{(k+1)} - h J_{\theta cm} B_z^{(k+1)} - \\ &- \sigma_1 h \left[-E_\theta^{(k)} B_z^{(k)} + E_\theta^{(k+1)} B_z^{(k)} + E_\theta^{(k)} B_z^{(k+1)} - 0,5 \left(-\frac{\partial w^{(k)}}{\partial t} B_z^{(k)} + \frac{\partial w^{(k+1)}}{\partial t} B_z^{(k)} + \right. \right. \\ &+ \left. \frac{\partial w^{(k)}}{\partial t} B_z^{(k+1)} \right) (B_r^+ + B_r^-) - 2 \frac{\partial u^{(k)}}{\partial t} (B_z^{(k)})^2 + \frac{\partial u^{(k+1)}}{\partial t} (B_z^{(k)})^2 + \\ &+ \left. 2 \frac{\partial u^{(k)}}{\partial t} B_z^{(k+1)} B_z^{(k)} \right] + \rho h \frac{\partial^2 u^{(k+1)}}{\partial t^2}, \\ \frac{dQ_r^{(k+1)}}{dr} &= -\frac{1}{r} Q_r^{(k+1)} - P_z^{(k+1)} - 0,5 h J_{\theta cm} (B_r^+ + B_r^-) - \end{aligned} \quad (21)$$

$$\begin{aligned}
& -\sigma_2 h [0.5 E_\theta^{(k+1)} (B_r^+ + B_r^-) + 0.25 \frac{\partial w^{(k+1)}}{\partial t} (B_r^+ + B_r^-)^2 + \frac{1}{12} \frac{\partial w^{(k+1)}}{\partial t} (B_r^+ - B_r^-)^2 - \\
& -0.5 (-\frac{\partial u^{(k)}}{\partial t} B_z^{(k)} + \frac{\partial u^{(k+1)}}{\partial t} B_z^{(k)} + \frac{\partial u^{(k)}}{\partial t} B_z^{(k+1)}) (B_r^+ + B_r^-)] + \rho h \frac{\partial^2 w^{(k+1)}}{\partial t^2}, \\
& \frac{dM_r^{(k+1)}}{dr} = \frac{1}{r} \left[(v_\theta - 1) M_r^{(k+1)} + \frac{e_\theta h^3}{12r} \mathcal{G}_r^{(k+1)} \right] + N_r^{(k+1)} \mathcal{G}_r^{(k)} + N_r^{(k)} \mathcal{G}_r^{(k+1)} - N_r^{(k)} \mathcal{G}_r^{(k)} + Q_r^{(k+1)}, \\
& \frac{dB_z^{(k+1)}}{dr} = -\sigma_2 \mu \left[E_\theta^{(k+1)} + 0.5 (B_r^+ + B_r^-) \frac{\partial w^{(k+1)}}{\partial t} - B_z^{(k)} \frac{\partial u^{(k+1)}}{\partial t} - B_z^{(k+1)} \frac{\partial u^{(k)}}{\partial t} + B_z^{(k)} \frac{\partial u^{(k)}}{\partial t} \right] + \\
& + \frac{B_r^+ - B_r^-}{h}, \quad \frac{dE_\theta^{(k+1)}}{dr} = -\frac{\partial B_z^{(k+1)}}{\partial t} - \frac{1}{r} E_\theta^{(k+1)}, \quad (k = 0, 1, 2, \dots).
\end{aligned}$$

Вақт бўйича $(k+1)$ – яқинлашишдаги ҳосилалар қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{aligned}
\left(\frac{\partial u^{(t+\Delta t)}}{\partial t} \right)^{(k+1)} &= \left[\frac{2(u^{(t+\Delta t)})}{\Delta t} - \frac{\partial u^t}{\partial t} \right]^{(k+1)}, \\
